



100084, Toshkent shahri, Yunusobod tumani,
Kichik xalqa yo`li – 4.
Tel.: 239-16-85
Faks: 150-62-99

100084, город Ташкент, Юнусабадский
район, Кичик халка йули – 4.
Тел.: 239-16-85
Факс: 150-62-99

ПРЕСС-РЕЛИЗ

14 январь–Ватан ҳимоячилари куни байрами муносабати билан ўтказилаётган “Ҳарбий ватанпарварлик ойлиги” доирасида жорий йилнинг 27 декабрь куни Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ташаббуси билан вазирликнинг қутқарувчилари иштирокида Давлат Божхона қўмитаси қошидаги Олий ҳарбий институти талабалари билан “Аҳолини фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш – устувор вазифа” мавзусида учрашув ўтказилди.

Учрашув давомида Фавқулодда вазиятлар вазирлиги мутахассислари томонидан Божхона институти талабаларига вазирлик ва қутқарувчилар фаолияти ҳамда турли авария-қутқарув асбоб анжомлари, уларнинг имкониятлари ва ишлатиш тартиб қоидалари тўғрисида атрофлича тушунча берилди.

Ўз навбатида Божхона институти талабалари қутқарув хизмати фаолиятига катта қизиқиш билдириб ўзларини қизиқтирган барча саволларига мутахассислардан жавоблар олишди.

Шулар қаторида, талабалар Фавқулодда вазиятлар вазирлиги қошидаги Фуқаро муҳофазаси институти фаолияти билан ҳам яқиндан танишдилар. Мисол учун, Фуқаро муҳофазаси институтида ташкил этилган ўқув курслари, дарсликлар тартиби, мавжуд адабиётлар, умуман олганда институтнинг фаолияти тўғрисида маълумотларга эга бўлдилар.

Фавқулодда вазиятлар вазирлиги мутахассислари ҳамда Божхона институти раҳбарияти бу каби йўналишда ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш тўғрисида келишиб олишди.

ФВВ Матбуот хизмати